

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Конунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ПОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИВ НАШРИ



№ 86 (3316)



1999 йил 3 декабрь, жума



Сотувда эркин нархда



Бош мұхаррир минбари

КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧИМИЗНИ БАЖАРАМИЗ

Азиз муштариілар, газетамизнинг ушбу сони Олий Мажлис, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар арафасида қўлинингизга бориб тегади. Яна бир кундан сўнг узоқ кутилган дамларнинг гувоҳи бўламиз, роппа-роса соат олтида сайлов участкаларининг эшиклари ланг очилиб, биз — сайловчиларни овоз беришга тақлиф этишади. Кўлимизда бўллетенлар билан яширин овоз бериш учун кўйилган кабиналарга кирад эканмиз, ҳукуматнинг ваколатли органларига сайлаш ва сайданиш конституциявий бурчимизни бажарамиз.

Хозир эса сайловолди дастури энг маъқул бўлган депутатликка номзодга овоз беришдан олдин яна маълум фурсат бор. Келинг, парламентдаги депутатлик ўрнига даъвогарлик қилаётган номзодлар билан бўлиб ўтган учрашувлар пайтида улардан эшитгандаримизни яна бир бор таҳлил қилиб, чамалаб, чукур ўйлаб кўрайлик.

5 декабрь куни ўз тақдиримиз, мустақил Ватанимиз тақдирини келгуси беш йилга Республика олий конунчиллик идорасига сайланадиган энг мунособ кишилар кўлига топширамиз. Хўш, депутатларимиз қандай фазилатларга эга бўлиши зарур? Сайловолди кампанияларида биз билан учрашган номзодлар қонунчилик ҳукуматидаги вакилимиз олдига кўйиладиган талабларга жавоб берга оладими? Сўнгги бор бир тўхтамга келишдан аввал ҳар биримиз ана шу саволларга жавоб излашимиз мухимdir.

Жамиятимиз мустақиллик йилларида мислсиз даражада янгианди. Биз ўз фикримизни мустақил билдиришга ўргандик, маънавий бойликларимизнинг қадрига етапимиз, ўз эркимизни мустақил ва эркин ифода этмоқдамиз. Хозирги сайловолди кампанияси ҳам мамлакатимизда демократик тамоиллар изчил қарор топаётгани, жамият ҳаёти фаол эркинлашиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Бугунги кунда Олий Мажлис ва ҳукуматнинг ваколатли органларига сайланадиган депутатларимиз ўзларига билдирилган ишончни албатта оқлашади, ўз фаoliyatlarini xalqimiz farovonligi, Vatan taraqqiyeti yuliga bafiylashadi, degan umiddamiz.

Газетамизнинг ушбу сони, шунингдек, жаҳондаги энг демократик комуслардан бири деб ҳисобланадиган Ўзбекистон Республика Конституциясининг етти йиллиги нишонланиши арафасида чоп этилмоқда. Бундан етти йил олдин оламшумул аҳамиятта эга бўлган бу ҳужжатни ўзларининг парламентдаги вакиллари орқали қабул қилган халқимиз демократия ва адолат ғоялари, умумэтироф этилган халқaro ҳуқуқнинг устувор йўналишларига тўла мос келишига тобора ишонч хосил килмоқда.

Ўтган йиллар давомида Асосий конунимизда ифодаланган ҳолатлар жамиятимиз ҳаётида ўз тасдигини топаяти. Бу йилги Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, шунингдек, Президентликка сайловлар мамлакатимиз Конституцияси, сайлов қонунчилклари, умумэтироф этилган халқaro ҳуқуқ меъёrlari талаблари даражасида ўтаётгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Ҳа, бир неча кундан сўнг Конституциямиз етти ёшга тўлаши. Шу киска давр ичиде жамиятимизнинг барча соҳаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Атрофингизга бир қаранг, мустақиллик йилларида шаҳарлар, кишлоқлар, кўчаларимиз қай даражада ўзгарди. Янги завод ва фабрикалар фойдаланишга топширилди, корхоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда, мураккаб техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда, одамлар эртаниги кунга ишонч билан боқмоқдалар. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг демократия ва юксалиш йўлидан дадил бораётгани ва Ўзбекистон эришган ютуклар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганини кўрсатиб турибди. Асрлар давомида эркин ва яхши турмуш кечириш учун етарли шароитлар яратилишини орзу қилган халқимиз тараққиётни, давлатимиз унга ғамхўрлик қилаётганини, мустақиллик мевасини ўз кўзи билан кўрмоқда.

Шу боис, бу йилларни меҳнат яратувчилиги, Асосий конунимиз — Ўзбекистон Республика Конституциясига таянган ҳолда қураётган ҳаётимизни сифат жиҳатдан янги погонага кутарган йилларdir, деб бемалол айтишимиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АЛОҲИДА ҲИЗМАТ КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик-ка қарши кураш ва куролланган жиноятчиларни кўлга олишда кўрсатган мардлиги ва жасорати ҳамда ҳизмат бурчига садоқати учун куйидагилар мукофотланисин:

“ЖАСОРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

Васильев Равиль Рашидович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошкармаси ҳарбий қисмининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича бошлиги (мархум)

Воронов Владимир Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошкармаси ҳарбий қисмининг катта йўриқчиси (мархум)

Тўлганов Раҳимжон Каримович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошкармасининг тезкор вақили (мархум)

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 1 декабрь.

5
ДЕКАБРЬ
ЯКШАНА

НОМЗОДЛАР ЎЗ СЎЗЛАРИНИ АЙТИБ БЎЛИШДИ!

ЭНДИ НАВБАТ СИЗУ БИЗГА!



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

117-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва киллик органларига сайланганни сайданиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги конун билан кафолатланади.

13 Ориф Фармон
Милжам (Хикоя)
KELGUSI HAFTA UCHUN
MINAJJIMLAR BASHORATU

Обуна-2000



ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ — ТЎЛАЛИГИЧА БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗДА!



ҲУҚУКИЙ ДАВЛАТ САРИ

Ҳар қандай күш озод бўлганда гина парвоз қиласи, ўзи истаган баландликка уча олади. Унга тоғлар писанд эмас, булутлардан ҳам баландроқа кўтарилигиси келади. Инсон ҳам шундай, мустақил бўлсагина эзгу орзу-истакларини амалга оширади, изланади, кашфиётлар қиласи, ташаббус кўрсатиб ишлайди. Олдига қўйган мақсади сари интилиб яшайди.

Фикримизни давом эттириб шуни айтиш мумкинки, мустақил давлатгина ўз фуқароларига улар истагини амалга ошириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқук ва эркинликлари дахлисизdir, улардан суд карорисиз маҳрум этишига ёки уларни чеклаб қўйишга хеч ким ҳакли эмас", дейилган. Хўш, мамлакатимизда яшаётган фуқаролар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини биладиларми? Билган тақдирда ҳам улардан фойдаланишапти?

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш таъминланган дагина у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади, деганларида ҳак эдилар. Ҳозирда юртбошимизнинг бўлгасига эришиш учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Аммо айрим тоифадаги кишилар борки, улар мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлатубиб, ҳамон кечаги кун кайфияти билан яшамоқдалар. Айниқса, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар олдидан номзодлар билан уч-

рашувлар пайтида қўйилаётган айрим талаблар, сўровлар, илтимосномалар шундан далолат бериб турибди. Байзи сайловчилар номзодга ахлат ташийдиган машина ўз вақтида келмаётганидан шикоят қиласа, бошқаси деразага ойна солишига кўмак берини илтимос қиласи, учинчиси эса бир ўринга 4-5 нафардан номзод кўйиш шартимида, дейди. Ҳатто "айтинглар, номзодлар-

етуклиги, ҳуқуқий жиҳатдан саводхонлигига боғлиқ. Бинобарин, биз аҳолига барча ҳуқуқий билимларни айнан ана шу етакчилар орқали етказиши ҳаракат қиласиз.

Фуқароларимиз Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қарорлар, шунингдек қонунчилигимиздаги ўзгаришлардан ўз вақтида вокази бўлиб бориш-

туманидаги "Олмазор", Ҳамза туманидаги "Дўстлик", "Гулистан", Ноңира номли маҳаллаларда "Сиз қонунни биласизми?", "Ўз ҳуқуқини биласизми?" каби мавзуларда ўтказилган учрашувлар қизикарли ва мунозарали ўтди.

Айни пайтда марказимиз маҳсус дастур асосида маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларни ўқитиш, малакасини ошириш, шунингдек

яти шаҳар, туманларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши йиғинлари раислари, шаҳарлардаги маҳаллалар оқсоқолларининг ўкуви ҳам самарали бўлди. Биз шунингдек, Тошкент шаҳар маҳаллалар хотин-қизлар кенгашлари раислари иштирокида ҳам машгуотлар ташкил этдик. Мунозаралар чоғида бола тарбиясида оналарнинг роли, оила ва қўни-қўшилар ўртасидаги ахилликни мустаҳкамлаш бўйича бўлиб ўтган мулоқотлар чоғидаги савожавоблардан йигилганлар катта қоникиш олдилар.

Ҳозирги пайтда маҳалла посбонларининг сардорлари, "Яраштириш комиссияси" раисларини ўқитишга кизғин тайёргарлик кўраимиз. Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Равшан Ҳайдаров ташаббуси билан борадаги семинар машгуотлари дастури ишлаб чиқиди. Белгиланган режага кўра пойтахтдаги ҳар бир туман маҳаллалари билан келишган ҳолда иш олиб бориш, ўзишига тингловчиларни тўлиқ жалб қилиш масалалари ҳал этилди.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, ахолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш билан боғлиқ фаолиятимиз янада тақомиллашиб бормоқда. Биз вилоятларда ҳам бўлимларимизни очишига тайёргарлик кўраимиз. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган ҳалқаро ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатиб, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни ҳам оқсоқолларни имкониятлари, ушбу масканларда қарор топган умуминсоний қадриятлар билан ҳалқаро жамоатчиликни таниширишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз.

Немматжон ҲАСАНОВ,
республика "Маҳалла" жамғармаси
"Маҳалла зиёси"
ўкув марказининг директори.

ОҚСОҚОЛЛАР КЎМАГИ ҲАВОДЕК ЗАРУР

Ҳуқуқий маданият ва таълимот

нинг қайрига овоз берайлик?" дегувчилар ҳам топилмокда. Бундай ҳолатлар фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширимай, уларни ҳаётга фаол жалб қилимай турбиди. Фуқаролик жамиятни куриши қийин эканлигини кўрсатмоқда.

Кадимдан кишиларни фаол ҳаракат қилиш, жамоа бўлиб яшаш, бирбирини сиёш ва тобуткашлик килишига ўргатган маҳаллаларда айтиш мумкинки, ўзига хос Шарқ демократияси вужудга келди. Мустақиллик шароитида ҳамжиҳатлик масканларининг бу хусусияти янада шаклланди, сайқал топди. Анироқ айтганда, маҳалла давлатнинг кучли ижтимоий сиёсатини амалга оширувчи адолат майдонига айланди.

Ҳозирда ислоҳотлар тақдирини ҳал қилишда катта аҳамият касб этаётган маҳаллалар тараққиётida оқсоқолларнинг тутган ўрни бекиёдидир. Кўп нарса уларнинг сиёсий

ларни зарур. Буни яхши англаган республика Оқсоқоллар кенгаши ва унинг таркибидаги "Маҳалла" жамғармаси аввало маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари ҳуқуқий маданиятини оширишга ўзиборни қаратмоқда. Шу мақсадда ҳуқук-тартибот идоралари билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди.

Айтайлик, Тошкент шаҳар маҳалла ишларини мувофиқлаштириш Оқсоқоллар кенгаши қошидаги аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш комиссияси республика Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган режа асосида фаолият кўрсатмоқда. Режага кўра пойтахтдаги барча маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, болалар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни таҳлил этиш, шунингдек аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга картилган турли тадбирлар ташкил этилаяпти. А. Икромов туманидаги Ойдин Собирова номли, Шайхонтохур

улар онгига ҳуқуқий билимларни сингдиришини мақсад қилиб қўйган. Биз аввало Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви ва унинг туманлардаги бўлимлари билан келишиб, пойтахтдаги 445та маҳалла оқсоқолларининг икки, уч кунлик ўкув семинарини ташкил этдик. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий маркази директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Акмал Саидов, Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси, бир пайтнинг ўзида Оқсоқоллар кенгашини бошқараётган ҳуқуқшунос олим Шуҳрат Жалилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг бир қатор масъул ходимлари ўз маърузлари билан иштирок этилди. Айниқса, Республика Ички ишлар вазирининг мувонини, милиция генерал-майори Ботир Парпиевнинг чиқиши тингловчиларда катта қизиши ўйғотди.

Марказимиздаги Тошкент вило-

Газетамизнинг шу йил 29 октябрь сонида "Ўз отасидан тонган уч ўғил" сарлавҳали мақола эълон қилиниб, кексайганда фарзандлари қарамай қўйгани учун республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида яшаётган Аҳмаджон отанинг ҳаётини ҳикоя қилинган эди. Аҳмаджон ота умр йўлдоши майшатга берилиб кетгани туфайли ўйдан бош

- Мана, туриш-турмушимизни ўзингиз кўриб турибсиз, - деди Шафоат ая. - Уч боламнинг ҳаммаси ўйли-жойли, ҳаётдан ўрнини топиб кетган. Шукур, тўрт қудам, келлинларим, тўқиз невара, уч эварам бор. Ўзим кўп йиллар банк тизимида ишладим. Иқтисодчи, бош ҳисоб-

- Бу хонадонга тушганимда қайнотамни кўрмаганиман, - деди кеин Саноҳат. - Тўйимиздан кейин олти йиллар чамаси вақт ўтгач у киши бизнисига бир келиб кетдилар. Ўгил тўй қилганимизда хўжайним билан излаб топдик. Шунда бошқа бир аёлга ўйланган эканлар.

Илгариги мавзуга қайтамиз

олиб чиқиб кетгани, бир неча йил опасиникда яшаб юриб, кейин бу ерга келиб қолганини галириб берганди.

Мақола эълон қилингандан кейин орадан бир неча кун ўтгач таҳририятимизга Шафоат ая (у кишининг илтимосига кўра исмлар яна ўзгартириб берилайти) деган аёл мурожаат қилиб, гарчи мақолада манзил аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, у кишининг оиласи тилга олингани, Аҳмаджон ота келтирган далиллар аслида бошқача эканлигини айтди. Биз онахонга бир-бирига ўхшаш таҳдирлар кўплиги, мақолада оила аъзолари шахсиятига тегмаган ҳолда отанинг ўз ўғилларига нисбатан ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилганини тушунтиридик. Шунга қарамай Шафоат аянинг илтимосига кўра у киши яшаётган Қиброй шахридаги хонадонида бўлишимизга тўғри келди.

Шуни айтиш зарурки, шаҳарнинг сўлим кўчаларидан биридаги кўлқаватли ўйда жойлашган ушбу хона-дондаги саронжом-саришталиқ эътиборимизни тортди. Бу ерда кўпни кўрган, уддабурон қайнона ва ишнинг кўзини билиб киладиган келин яшаётгани сезилиб турарди. Келин ва неваралар салом бериди қаршилашди.

чи мувонини, бош ҳисобчи вазифаларини бажардим. Ҳозирги кунда ҳам нафақада бўлишимизга қарамай раҳбарлар илтимосига кўра ойига 3-4 марта бориб, ҳуқуқий маслаҳат берни турман.

- Аҳмаджон ака билан ҳаётингиз кандай кечган?

- Турмушимизнинг дастлабки йиллари ёмон ўтмади. Аммо бориб бориб эрим майшатга берилиб кетди. Топганини бегона аёлларга сарфлаб, ўйга кам кела бошлади. Ҳатто... бу гапни сиздан бошқа хеч кимга айтмаганиман, у киши сўзак касалига чалинди. Қанча гапларим, йиглаб ялиниб-ёлворишиларим зое кетди. Уч фарзандим отасиз ўсмасин, деб тишимни тишимга кўйиб чидадим. Охири бўлмагач, 1968 йилда судга беришга мажбур бўлдим. Ўшанда тўнгичим Алижон 19 ёшда эди.

Орадан беш йил ўтгач Шафоат турмушга чиқди. Иккинчи эрининг етти фарзанди бор эди. Ҳаммасини ўйли-жойли қилишига бош бўлди. Ҳозирда уларнинг барчasi аянни ўз онасидек эъзозлашади.

Умр йўлдошлари яхши аёллиги кўриниб турарди. Кўп вақт бордикелди қилиб юрдик. Кейинчалик дадам у аёл билан ҳам яшамайтга билиб қолиб ўйга олиб келиб кетдилар. Кейинноман ярашмайман, дедилар. Анча вақт дала ҳовлимида яшаб юрдилар. Кейин эса негадир биздан ўзларини совутишга уриниб, "менга қарашмайти", деб кўринган одамга нолиб юрдилар. Охири уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига ариза берганларини эштиб қолдик.

Оиланинг бошқа аъзолари ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтишди. Уч фарзанд, келинлар ва набиралар ардоғида яшаётган Шафоат аянинг турмуш тарзини кўрган киши Аҳмаджон-ака ғапириб берган гапларга ишонмаслиги тайин. Калтакнинг икки учи бор, дейишади. Агар Аҳмаджон ака фарзандларини ташлаб кетмаганида эҳтимол бу кўйига тушмас эди. Доноларимиз фарзандни дунёга келтирган эмас, уни тарбиялаб вояга етказган ота, деб бежиз айтишмаган.

Сайдулла ШОДИЕВ.

ОТА МАИШАТГА БЕРИЛДИ. КЕЙИН-ЧИ?

Холидо ИНОГОМОВА.

ЯНГИОБДДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Илгари хабар қилинганидек, 1999 йилнинг 15 нояброда 14 кишидан иборат бандитлар гурухи Тошкент вилоятининг Янгибод аҳоли пункти якинида террорчилик ҳаракати содир этган эди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг саккиз фуқароси ҳалок бўлди.

Террорчилар томонидан содир этилган бу жиноятнинг жиддийлигини ётиборга олган ҳолда, аҳолининг тинч турмушини, мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон худудига ташқаридан бостириб кирган жангариларни йўқ қилиш бўйича барча зарур чоралар кўрилди.

Операция ўтказилаётган ҳудудда бир кечакундуз мобайнида 1,5 минг кишилик зарба берувчи гурух ташкил этилди. Гурух таркибига Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавкулодда вазиятлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва маҳсус бўлинмалари, ҳарбий ҳаво кучлари бўлинмалари киритилди. Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳарбий бўлинмаларга Тошкент вилояти Оҳангарон тумани аҳолиси, фуқаролар катта ёрдам кўрсатди.

Терроризмга қарши курашга йўналтирилган операцияни режалаштириш ва бошқариш, жалб этилган барча куч ва маблағларни мувофиқлаштириш вазифаси Тезкор штаб зиммасига юкланди.

Ҳарбий бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги, юксак ҳарбий тайёргарлиги ва оғир об-ҳаво шароитидаги хатти-ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилган туфайли, 16 ноябрдан 23 ноябрча бўлган муддат ичida қўпорувчи-террорчи турку қидириб топилди ва йўқ қилилди ташланди.

Қўмондонлик томонидан жангариларни имкони борича кам талафот кўриб, йўқ қилиш вазифаси қўйилганligiga қарамасдан, афсуски, операция давомида Ички ишлар вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан 3 киши ўзининг ҳарбий ва фуқаролик бурчани бажашиб жараённида мардонавор ҳалок бўлди.

Текширув ҳужжатлари шундан далилат берадики, замонавий қуроллар ва гранатомётларга эга бўлган бандитлар гурухи таркибида Чеченистонда қўпорувчилик тайёргарлигидан ўтган, шу йилнинг август-октябрь ойларида Қирғизистоннинг жанубидаги воқеаларда иштирок этган шахслар ҳам бўлган.

Тергов маълумотларига кўра, жангарилар гурухи Ўзбекистон Республикаси худудида келажакда қўпорувчи-

(ЎЗД).

БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ЎРТАСИДАГИ ВАҚТ

Транспорт воситаларини бошқароётган ҳайдовчилар учун бешикаст, йўл-транспорт ҳодисаларисиз юришининг ўзи баҳт, дессан хато килмаймиз. Негаки, озигина ётиборсизлик, билимий йўлларда ҳаракатланишнидларини бузиш оқибатида каттагина баҳтсизлик келиб чиқади.

Ҳайдовчи бўлмаган ёки бундай ҳоллардан бехабар кишилар, қандай баҳтсизлик бўлиши мумкин, деб ҳайдон бўладилар. Бу баҳтсизлик - ҳозирги даврда эҳтиёт қисмларнинг қимматлиги ва яхши ниятлар билан тўплаган пулларини унга сарф бўлишида, кўнгил хотиржамлиги йўқолиб уй ва ишда унум бўлмаганда намоён бўлади. Энг ачинарлиси, айrim ҳолларда кишилар умри бевакът ҳазон бўлиб, бир ёки бир нечта оиласларнинг чукур қайгуда қолиши баҳтсизлик эмасми? Буни эса айrim ҳайдовчилар хаёлларига ҳам келтирилмайдилар.

- Шу светофор деган нарсани ким ўйлаб топган-а? - деди такси ҳайдовчиси норози бўлиб. - Шошиб турганингда қизил чирок ёниб қолади.

- Ҳозир йўл очилади, кейин бемалол кетаверамиз, - деди ҳамроҳим. Такси ҳайдовчиси эса тоқатсизланиб:

- Ука, вақт кетаяпти, вақт! Вақт эса пул, биласизми? - дейди.

Ҳайдовчининг бўлса, шундан 29197 таси чорраҳдан ўтиш қоидабузарлигидir.

Лекин шунга қарамай, жорий йилнинг шу даврига қадар вилоят ҳудудига автомобиль йўлларида 1340 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги қайд этилди. Унда 246 нафар киши жароҳатланиб, 1355 нафар киши бевакът ҳаётдан кўз юмди.

Шу йўл-транспорт ҳодисалари бўлмаслиги мумкин эди-ку?! Агар ҳайдовчиларимиз йўл қўяётган қоидабузарликларининг оқибатини ўйлаб кўрганларида, арзимас дақиқа, сонияларга сабр-токат қилганларида, турмуш ташвишлари билан шошиб йўл шароитларини унумаганларида бу фалокатлар бўлмаслиги мумкин эди.

Тўғри, ҳаётда инсон доимо яхши ўй-ниятлар билан яшаши, ишлаши ва юриши керак. Лекин эҳтиёткорликни, белгиланган тартиб-қоидани хам унумаслиги керак. Шунда баҳт унга ҳамиша ҳамроҳ йўллари равон, ҳаётлари фаронов бўлади.

Исройлхўжа САЙДКАРИМОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
ДАНБ инспектори,
милиция катта лейтенант.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАНИ...

“...Сўнгги нафасим колгунча Она-Ватанинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга,... жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиласман...”

(Қасамёддан)

Хизмат вазифасини бажараётib, ўта хавфли куролланган жиноятчилар тўдасини кўлга олиш чоғида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича бошлиғи милиция капитани Равиль Рашидович ВАСИЛЬЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг катта йўриқчisi катта прaporshchik Владимир Анатольевич ВОРОНОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ КР ва ТККББ тезкор вакили, милиция старшинаси Раҳимжон Каримович ТЎЛАГАНОВлар мардларча ҳалок бўлдилар.

**Равиль
Рашидович
ВАСИЛЬЕВ**



**Владимир
Анатольевич
ВОРОНОВ**



**Раҳимжон
Каримович
ТЎЛАГАНОВ**



Р. В. Васильев 1965 йилда Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳрида туғилди. 1989 йили Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тамомланган. Ички ишлар идораларида, Куролли кучлар сафида ўз хизмат фаолиятини 1993 йилнинг мартаидан бошлаган. Аввалига Ўзбекистон Республикаси ИИБ ИКБДа катта йўриқчи, кейинчалик шу бошқармада гурух сардорининг ўринбосар лавозимида ишлади. Айни замонда эса Боз бошқарманинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келаётган юртнинг мард ва жасоратли ўғлони эди.

Р. В. Васильев, В. А. Воронов, Р. К. Тўлагановларнинг эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётгандарига кўп вақт бўлмаганди. Аммо улар қасамёдларига содик қолдилар, эл тинчлиги ва Ватан мустақиллиги учун ҳатто ширин жонларидан ҳам воз кечдилар.

Уларнинг ёрқин хотираси ҳамкаслари, сафдош дўстлари, ҳалкимиз қалбидан абадий яшайди. Ватан уларнинг жасоратини ҳеч қачон унутмайди. Ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўз ҳамдардлигимизни изҳор қиласми.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
РАҲБАРИЯТИ ВА ШАҲСИЙ ТАРБИБИ.**

“01” ХАБАР ҚИЛАДИ

» Жомбой тумани Охунбоев номли жамоа ҳўжалигига яшовчи Ш. Губаев кўлбона газли печни ёкиш вақтида юзи ва ўнг кўли кўйган.

» Учкўприк тумани Араб кўргонча қишлоғида яшовчи Акбаров Файратнинг хонадонида хона ичидаги газ йигилиб қолган ва ўз эгаси чирокни ёккан вақтида кичик портлаш содир бўлган. Натижада эшик ва ромлар заарланган ҳамда азъолари турли даражадаги куйиш тан жароҳати олганлар.

» Элликъаль тумани F. Одилов номли жамоа ҳўжалигига яшовчи К. Киличев хонадонидаги иситиш печининг мўриси носозлигидан ёнғин содир бўлган, натижада ўйнинг томи, шифти ва жихозлари ёнган. Ёнғин вақтида ўз эгасининг ўғиллари Сардорнинг юзи, кўли ва кўкраги, Агабекнинг кўллари ва юзи кўйиб, касалхонага ётқизилган.

» Фарғона шаҳар Ўзбекистон кўчаси 136-йд 37-хонада яшовчи 14 ёши М. Мадрамов хлорид магний ўйнаши натижасида юзи, иккича кўли ва тиззаси кўйиб, касалхонага ётқизилган.

» Фарғона шаҳри Беруний кўчаси 83-йд яшовчи Б. Мўйдинов бензин билан куртласини тозалаган ва оловда куритиши натижасида устидаги курткаси ёниб ўнг кўли ва бели кўйган.

» Навоий тумани “Нарпай” жамоа ҳўжалигига яшовчи X. Суюнова тандирни ёкишда эҳтиётсизлиги оқибатида синтетик матодан тикилган устки кийимлари алана олиб, натижада корни, оёби ва кўкраги кўйиб, туман шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган.

**Д. ВАЛИЕВ,
иҷтиҳодчи
катта лейтенанти.**

